



HUQUQBUZARLIKLARNING UMUMIY PROFILAKTIKASINI TASHKIL ETISH FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISH

Raxmonov Abdurahmon Davlat o`g`li

IV Akademiyasi 3-bosqich kursanti

ANNOTATSIYA: Ushbu maqolada profilaktika inspektorlari tomonidan huquqbuzarliklarning umumiy profilaktikasini tashkil etish yo`nalishlari, asosiy vazifalar, funksiyalar, tushunchalar hamda ushbu sohasini takomillashtirishga oid takliflar, muommolar yechimi haqida so`z boradi.

АННОТАЦИЯ: В данной статье говорится о направлениях, основных задачах, функциях, понятиях, предложениях по совершенствованию данной сферы, а также решениях проблем организации общей профилактики преступлений инспекторами по профилактике.

ABSTRACT: This article talks about the directions, main tasks, functions, concepts, suggestions for improvement of this field, and solutions to problems of organizing the general prevention of crimes by prevention inspectors.

Сўнги йилларда республикамизда ҳуқуқий тарғиботнинг самарали тизими жорий этилиши натижасида бугунги кунда нафақат қонунни қўлловчи, балки унга амал қилувчи фуқаролар ҳам мамлакатнинг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси устувор йўналишга айланиб улгурганини хис этмоқдалар.



Мустақил Ўзбекистонда

— Сурункали алкоголизм гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисидаги ҳамда

— Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида 2019 йил 2 апрелдаги,

—Терроризмга қарши кураш тўғрисида 2000 йил 15 декабрдаги,

—Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида 2008 йил 17 апрелдаги,

— Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида 2008 йил 7 январдаги,

—Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактика тўғрисида 2010 йил 29 сентябрдаги,

—Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида 2014 йил 14 майдаги ҳамда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган бошқа қонун ва қонуности норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши фикримизни янада асослантиришга хизмат қилади.

Бу борада қабул қилинган қонунлардан асосийси ҳисобланган

—Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун юқорида санаб ўтилган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг долзабрлигини таъминланганлигини, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида комплекс йўналтирилганлигини ва ўзига хос замин яратганини келтириб ўтишимиз зарурдир. Чунки ушбу қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўлақонли механизми ўз ифодасини топди. Бошқачақилиб айтганда,

— Ҳуқуқбузарлик тушунчаси доирасини қамраб олувчи жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларнинг ғайриижтимоий ҳуқуқ-атворга эга булиш пайтиданоқ қайси турдаги профилактик таъсир кўрсатиш чоратадбирларнинг қўлланилиши, ҳуқуқбузарликнинг содир этилишидан жабрланувчининг айбли ёки айбсизлик ҳолати, унинг руҳий ахволи ва уларнинг виктимликка айланиб қолишини олдини олиш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, бу борада Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактик чораларни қўллаш фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш механизми аниқ кўрсатиб берилди.



Қонун кучга кирганидан кейин ўтган давр мобайнида унинг асосида бир қатор қонуности ҳужжатлар, хусусан, идоравий ҳужжатлар ишлаб чиқишва уни амалиётда татбиқ этилиши бугунги кунинг асосидир. Айнан шунинг учун ҳам мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас. Ушбу қарор асосида **“Хар пайшанба куни”** профилактик тадбирларини ўтказилиши қонун билан мустаҳкамланиб қўйилди.

Маълумки, жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва мол мулкани турли тажовузлардан ҳимоя қилишда марказий милиция таянч пунктларининг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини, уларнинг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларининг қўйи тизими ҳисобланган яъни, Ички ишлар органлари таянч пунктларида хизмат фаолиятини олиб боровчи профилактика инспекторларининг халққа яқинлиги ва улар билан доимий равишда ҳамсухбат бўлиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўз самарасини бермоқда.

Биз адолат қонун устворлигида деган тамойил асосида қонунга ҳурмат ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасиз хиссни кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олджни олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун энг аввало маҳалла имкониятлариидан кенг фойдаланиш, профилактика инспектори иш самараси ва масулиятини ошириш улар учун муносиб хизмат ва иш шароити яратиб бериш чораларини куришимиз даркор. «Жиноятларнинг профилактикаси» тушунчасининг ўзагини «Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси» тушунчаси ташкил қилади. «Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси» тушунчасининг мазмун- моҳияти Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида батафсил тўхталиб ўтилган. Унга асосан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – бу ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шартшароитларни аниқлаш,



бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир.

Умумий профилактикани ташкил этиш фаолияти – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича ташкил этиш фаолияти ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими деб, таъриф берилган.

Ички ишлар органларининг умумий профилактик фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари мазмуни бўйича иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, демографик, ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, маънавий-маърифий ва бошқалардан иборат.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни ҳисобланган Конституциянинг кўпгина моддалари ҳам бевосита профилактик хусусиятга эга бўлиб, фуқароларнинг жамиятдаги умуминсоний, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар ҳамда қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратилганлигида кўринади.

Шундай қилиб, умумий тартибдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда, ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш, бундай сабаб ва шароитларни бартараф этишга, шунингдек аҳоли орасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид профилактик усулларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги фаолият тушунилади.



Сўнгги пайтларда ички ишлар органлари тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш, бундай сабаб ва шароитларни бартараф этишга қаратилган фаолиятини янада мустаҳкамлашнинг амалий механизмини жорий этиш бўйича қатормеёрийҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2021-йил 2-апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қушимча ташкилий чоратадбирлар тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш тўғрисида»ги ҳамда 2018 йилнинг 14 феврал куни қабул қилинган

—Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисидаги қарорига асосан пойтахт хавфсизлигининг гарови сифатида ҳаракатлар яқдиллиги асосида барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг амалий механизмини жорий этиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларининг жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини келгусида ташкил этишнинг **устувор йўналишлари** деб белгиланди⁵.

Профилактика хизматларининг умумий профилактик фаолияти жамиятга зид ғайриижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг, турли воқеа, ҳодиса ва ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, таъсир этиш, кучсизлантириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли ижтимоий- ҳуқуқий воситалар орқали амалга ошириладиган фаолиятидир.



Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунида хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- шахснинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш;
- хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чоратадбирларини кўриш;
- хуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, хуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- жисмоний шахсларнинг хуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш;
- хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Мазкур борадаги ишлар умумий профилактик чора-тадбирлар бўлиб, биринчидан маъмурий ҳудудда профилактика (катта) инспектори хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларини ўзининг кунлик ва ойлик иш режаси асосида амалга оширади, иккинчидан хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширади, учинчидан хуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш жараёнига, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини ва



фуқароларни жалб этиш, тўртинчидан маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга, бешинчидан ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини доирасида жойларда маърузалар ўқиш, давра суҳбати, учрашувлар ташкил этиш, аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видео роликлар намойиш қилиш, огоҳликка чақириш ва бошқа профилактик чора-тадбирларни амалга оширади.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида, *биринчидан*, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони; 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон «Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартиби, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда улвнинг маъсулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони; 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар ва бошқалар. *Иккинчидан*, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Учинчидан, —ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича, — вояга етмаганлар ишлари бўйича, —одам савдосига қарши курашиш бўйича, —коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг фаолияти самарали йўлга қўйилди.

Тўртинчидан, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни —Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни этиб белгиланди.



Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2016. – 7 дек.
2. *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2017. – 7 дек
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек
4. Мирзиёев Ш.А Танқидий таҳлил қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар ходимнинг кундалик қоидаси бўлиши лозим Т.Ўзбекистон 2016 йил